



# **БАДИЙ АДАБИЁТДА НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами

2020 йил 25 сентябрь

## **ПРОБЛЕМЫ РЕЧИ И СТИЛЯ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

Сборник материалов международной научно-практической конференции

25 сентября 2020 г.

## **PROBLEMS OF SPEECH AND STYLE IN FICTION**

Collection of materials of the international scientific and practical conference

September 25, 2020

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи,  
филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов

таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман

**м а т е р и а л л а р и**

*Фаргона-2020*

УДК: 8-1/-9+7.03+(042)

ББК: 81/83

**Бадий нутқ ва услуб муаммолари.** Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, филология фанлари доктори, профессор Йўлдошхўжа Солижонов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман материаллари. 25 сентябрь 2020 йил, Фарғона. 2020. – 300 бет.

*Фарғона давлат университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган  
(2020 йил 29 августдаги 1-сонли баённома)*

*Одобрено учёным советом Ферганского государственного университета. прот. № 1 от 29 августа 2020 года.*

*Approved by the Resolution of the scientific committee the Ferghana State University protocol (in 2020, 29 august).*

### **Такризчилар:**

Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор.

Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори.

А.Муҳиддинов – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Илмий-амалий конференция материалларига оид мазкур тўпламга, профессор Й.Солижонов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуман иштирокчиларнинг ишлари жамланган. Тўпламда бадий нутқ ва услуб масалалари, ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси, фольклор, тилшунослик, таржимашунослик, тил ва адабиётни ўқитишдаги долзарб муаммо ва масалалар ҳақида сўз юритилган.

Тўпламдаги материалларда ёритилган маълумотлар ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир.

В сборнике материалов научно-практической конференции собраны научные статьи и работы участников конференции, посвящённые 80-летию профессора Й.Солижонova. В сборнике говорится об актуальных проблемах и задачах художественной речи и стилистики, истории узбекской литературы, теории литературы, фольклора, языкознания, переводоведения, преподавания языка и литературы.

За правдивость информации в материалах ответственность несут авторы.

The collection of materials of the scientific and practical conference contains scientific articles and works of the conference participants dedicated to the 80th anniversary of Professor Y. Solizhonov. The collection speaks about topical problems and tasks of artistic speech and stylistics, the history of Uzbek literature, theory of literature, folklore, linguistics, translation studies, teaching language and literature.

The authors are responsible for the truthfulness of the information in the materials.

### **Нашрга тайёрловчилар:**

**Қ.Йўлчиев** – Фарғона давлат университети таянч докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Д.Ғуломов** – Фарғона давлат университети адабиётшунослик йўналиши магистранти

### **Масъул муҳаррир:**

**З.Раҳимов** – Фарғона давлат университети филология факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент

### **Таҳрир хайъати:**

**А.Сабирдинов** – Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**Ш.Искандарова** – Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**С.Қурбонова** – Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Тойирова** – Фарғона давлат университети инглиз тили методикаси кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**А.Қосимов** – Фарғона давлат университети рус филологияси кафедраси мудири

**Н.Шарафиддинова** – Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси

**Г.Мамажонова** – Фарғона давлат университети рус филологияси кафедраси ўқитувчиси

Таким образом, романтический стиль проявляется в философской элегии русского поэта XXI века. Художественное осмысление романтической концепции мира и человека жизни представлено идейно-тематическом, жанровом, сюжетно-композиционном уровнях, а также в символике образов. Антонимичная картина мира стихотворения Агеева, где хаос человеческой жизни, метафорически воспринимаемый через образ коня, мчащегося без кучера, без дороги и узды, противопоставляется гармонии вечных божественных законов мироздания, воплощаемых через образы «первой звезды» и Бога, обладает пластической завершенностью и духовной неисчерпаемостью.

#### **Список литературы:**

1. Агеев В.А. На краю двойного бытия. – М.: Частное издательство: «Золотое сечение», 2012.– 264 с.
2. Лузянина Л.Н. Мотив «жизненного пути» в поэзии Е.И.Кострова и стихотворении А.С.Пушкина «Телега жизни» // Костровский сборник: Провинциальная литература в контексте русской культуры. Сборник научных трудов. Вып.1 – Киров, 2002. С. 32–35.
3. Травников С.Н. «Поэтическое слово иногда острее пера...» (Философская поэзия Владимира Агеева) //Агеев В.А. Накраю двойного бытия. – М.: Частное издательство: «Золотое сечение», 2012. С.3 –23.
4. Славянские древности: Этнолингвистический словарь: В 5 т. / Подред. Н.И.Толстого. – М., 1999. Т2. С.124, 128–129.
5. Шейнина Е.Я. Энциклопедия символов. – М.: ООО «Издательство» АСТ» Харьков: ООО «Торсинг», 2002. – 591 с.

## **ЗАМОНАВИЙ ДОСТОНЛАРДА УСЛУБ ВА ИНДИВИДУАЛЛИК**

**Д.Кувватова,**  
*ф.ф.д., профессор,*  
**Н.Ўроқова,**  
*ф.ф.ф.д.(PhD), БухДУ*

#### **Аннотация**

Мақолада сўнги давр ўзбек достонларига хос шаклий-услубий изланишлар, алоҳида ижодкорларнинг индивидуаллик хусусиятлари каби масалаларга эътибор қаратилган. Услуб ва индивидуаллик адабий терминларининг ўзига хос томонлари ажратиб кўрсатилган. Ўзбек адабиётида кечган янгиланишлар, ўзгаришлар асосида достон жанри тасниф қилинган.

#### **Аннотация**

В статье рассматриваются формальные и стилистические исследования в последних узбекских поэмах, а также индивидуальные особенности отдельных создателей. Выделяются отличительные аспекты литературных терминов стиля и индивидуальности. Жанр поэмы классифицируется на основе нововведений и изменений в узбекской литературе.

#### **Annotation**

The article focuses on the formal and stylistic research of recent Uzbek epics, as well as the individual characteristics of individual creators. Distinctive aspects of the literary terms of style and individuality are highlighted. The genre of epics is classified on the basis of innovations and changes

in Uzbek literature.

**Калит сўзлар:** мумтоз дostonлар, замонавий дostonлар, анъанавий услуб, ноанъанавий услуб, индивидуаллик, рамз.

**Ключевые слова:** классическая поэма, современная поэма, традиционный стиль, нетрадиционный стиль, индивидуальность, символика.

**Keywords:** classic epics, modern epics, traditional style, non-traditional style, individuality, symbolism.

Янги ўзбек адабиётининг барча даврларида дoston фаол жанр бўлиб келган. Жумладан, сўнги йиллар ўзбек адабиётида ҳам у етакчи жанрлардан бирига айланди. Ж.Камол, Э.Воҳидов, Ч.Эргаш, А.Орипов, И.Отамурод, У.Қўчқор, С.Саййид, А.Кутбиддин, Э.Шукур каби шоирлар ижодида мазкур жанрнинг бадиий баркамол намуналари яратилди. Бу дostonлар ўзига хос тасвир услуби, ижодкор индивидуаллиги ва воқеликка эстетик муносабатни ифода этиши нуқтаи назаридан алоҳида бадиий тизимни ташкил этади.

Услуб хусусий ходиса бўлиб, у муайян ижодкорга хосдир. А.Фитратнинг ёзишича: “Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борган сойи (сари) ўзига махсус (хос) услуб ярата бошлайдир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлгач, ўзига яраша бир услуб ҳам борликка чиққан бўладир” [1,26]. Ҳақиқатан, услуб ҳар бир ижодкорда йиллар давомида қалами ўткирлашиб борган сари шаклланади ва бадиий юксак асарларда ўзини намоён этади.

Адабиётшунос Ҳ.Умуров: “Услуб доим ёзувчи (шоир)нинг бутун борлигидан – табиатидан келиб чиқади ва ҳар бир яратган асарида ана шу ўзига хос оламнинг ҳаётбахш нури – инсонийлашган туйғуларини тирилтиради, кўпга улашади, эзгу туйғулар тарбиячиси вазифасини ўтайди” [2,246], – деб ёзади. Демак, услуб ижодкорнинг ижод дунёсида “туғилиб, камолга этади”. У бадиий образ тарзида ўзини намоён этиб, китобхон қалбига кириб боради. Китобхон шу тарзда янги бир ижодкорни танийди, кашф этади.

Замонавий адабиёт вакилларининг дostonчиликдаги изланишларида ўзига хос эстетик идрок ва дид шаклланганлиги кузатилади. Адабиётшунос Ў.Носировнинг фикрича: “Ижодий индивидуаллик ёзувчи шахсиятининг сифат жиҳатидан шаклланиши, ўзидан “ўзлиги”ни, ижодий шахсиятини топиб, ижодий мустақиллик, қобилиятининг бадиий кашфиёт яратиш босқичига, яъни бадиий-эстетик фаолиятининг индивидуаллик фазасига кириши”дир [3,15]. Бинобарин, ижодкорда индивидуал хусусиятлар шаклланиб, бир ўзанга тушиши натижасида услуб юзага келади. Масалан, шоир Икром Отамуроднинг ижодий индивидуаллиги дostonларида рамзий-тимсолий фикрлаш тарзининг етакчилик қилиши, лирик кечинма суратларининг чизилиши, янги шакл излаш ва уларга поэтик мазмунни юклаш, шевага хос ва мумтоз сўзларни қўллаш кабиларда кузатилади. Усмон Қўчқор ижодига хос индивидуаллик, ўзига хослик лиро-эпик тасвир устуворлиги, халқ оғзаки ижоди мотивларидан фойдаланиш, сиқиклик ва ихчамликка интилиш, лирик қаҳрамон сифатида воқеликка фаол аралашув, жаҳон адибларига издошлик, қадим тарихга мурожаатда бадиий тўқимадан чўчимай унга тўн кийдириши сингариларда кўзга ташланади.

Сўнги йиллар ўзбек дostonчилиги бир қатор тамойиллар асосида тараққий этиб бормоқда. Уларда жаҳон поэмачилиги, халқ ва мумтоз дostonчилик, замонавий дoston хусусиятлари ўз мужассамини топган. Шоир А.Ориповнинг “Истиклол манзаралари” дostonи бошқа дostonларидан фарқли равишда бетакрор услубда яратилган. Бу ҳақда Н.Жабборов қуйидагича фикр билдиради: “...дostonни ёзишда муаллиф лиро-эпик поэзияда бир оз унутила бошлаган халқона қиссагўйлик услубини танлаган” [4,4]. Демак, бу давр дostonчилигидаги янгиланишни

кўрсатиб туради. Олим дoston ҳақидаги фикрларини давом эттириб, яна ёзади: "...саккиз манзара орқали яхлит ҳолда халқимиз ҳаётида истиқлолгача ва мустақиллик йилларида кечган бутун мураккабликлар: зиддияту юксалишлар, алоҳида шахслар ва миллат руҳиятидаги эврилишлар қиёсий аспектда бетакрор поэтик талқин этилган" [4,4]. Дostonнинг манзаралардан ташкил топиши адабиётимиз учун янгилик эмас. Бироқ бу жанрлараро синкретлашув жараёни давом этганлигини, драма ва дoston хусусиятлари уйғунлашганлигини билдириб туради.

А.Маҳкам дostonлари тасаввуф ва мумтоз дostonчилик сарчашмаларидан сув ичган. Буни "Фотиҳа" ва "Ишқ" дostonлари тасдиқлаб туради. Унинг "Таважжух" дostonи том маънода Бобур руҳияти кўшиғидир. Сабаби, А.Маҳкам тўлиқ монологлардан ташкил топган бу дostonда шоҳ ва шоир Бобурнинг инсоний дунёси, қалб кечинмаларини ифода этади. Ёхуд Э.Шукурнинг "Накшбанд" дostonида комиллик мартабасидаги шахс ҳаёти, унинг ахлоқий, маърифий қарашлари ифода этилган. Демак, бу замонавий дostonнинг диний сарчашмаларга чуқур кириб борганлигини кўрсатиб туради. Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Ватан ва миллат тарихида муносиб ном қолдирган машҳур шахсларнинг лирик образларини гавдалантириш дostonчиликнинг муҳим хусусиятига айланди. Алишер Навоий (О.Ҳожиёва "Нажот", Ш.Курбон "Сўз йўли", И.Отамурод "Рухдан сизган нур"), Заҳириддин Бобур (А.Маҳкам "Таважжух", И.Тўлаков "Сўнгги кеча"), Машраб (Т.Низом "Рухи равоним") сингари улуғ шоирларнинг бадиий сиймоси дostonларда юз кўрсатди. Халқ дostonлари услубини қўллаш (М.Тоир "Оқиб кетган армонлар", "Ошиқ охи"), назм ва наср шаклини уйғунлаштириш (И.Отамурод "Сен") бу давр дostonчилигига хосдир. Демак, сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигига хос муҳим хусусиятлар қуйидагиларда намоён бўлган:

1. Услубнинг янгилана бориши: халқона қиссагўйлик, халқ дostonлари услубига хос назм ва насрдан фойдаланиш.

2. Диний сарчашмаларга чуқур кириб бориш, дostonчиликда тасаввуфий оҳангларнинг кучайиши.

3. Жанрлар синкретлашуви жараёнининг тезлашганлиги, дostonда драма ва романга яқинлашувнинг кузатилиши.

4. Миллат ва Ватан тарихида муносиб ном қолдирган шахслар образларини бадиий гавдалантириш.

5. Модерн услуби.

Айтиш мумкинки, шу хусусиятлар асосида адабиётимизда анъанавий ва ноанъанавий услубдаги дostonларнинг яхлит бир тизими яратилди.

Сўнгги йиллар ўзбек дostonлари алоҳида шоирлар ижоди мисолида назардан ўтказилса, И.Отамурод ва У.Кўчқор дostonлари тузилиши, поэтикасида ижодий индивидуаллик намоён бўлганлиги кузатилади. У.Кўчқор услуби замонавий лиро-эпик дoston анъаналарига уйғун ҳолда шаклланган. Шоир ижодида Ҳ.Олимжон, Ойбек, Зулфия, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов сингариларнинг замонавий дostonчиликдаги анъаналари бўй кўрсатиб туради. И.Отамурод услуби эса замонавий ўзбек лирик дostonлари тасвир услубига мувофиқ ҳолда намоён бўлган. Лирик кечинма тасвирига қурилган монолог характеридаги Миртемирнинг "Сураг", Зулфиянинг "Хотирам синиқлари" дostonларидан бошланган ижодий изланишлар И.Отамурод ижодида бадиий такомилга эришди. Буни шоирнинг лирик дostonлар яхлит бадиий тизимини ярата олгани билан асослаш мумкин. Дostonларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар қатидан безовта қалб ҳайқириғи эшитилиб туради, кўнгил изтироблари тасвири кенг ўрин эгаллайди. Адабиётшунос У.Ҳамдам тўғри таъкидлаганидай, бу даврда "воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш" [5,301-302]

хусусияти кўзга ташланади. И.Отамурад дostonларида айнан шу жиҳат ёрқин кузатилади. Шоирнинг лирик кечинма асосига қурилган дostonларида даврдаги янгилашиш ва ўзгаришлар, лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари ўз аксини топди.

Замонавий дoston кўриниши мумтоз оламни шу тарзда аста-секинлик билан ўзига сингдира бошлади. Ўз тарихимизга холис муносабат, ўтмишимизда яшаб ўтган алломаларнинг бадиий сиймоларини яратиш тамойили кучайди. Инсоннинг ички олами-ботинига чуқурроқ кириб борилгани сари бугунги кунда яратилаётган дoston қаҳрамонлари ўзликни англашга қайтди, комиллик томон одимлади.

Истиқлол даври ўзбек дostonчилигида кечган ўзгаришлар, шаклий-услубий изланишлар, янгилашишлар асосида уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

- a) лирик кечинма асосига қурилган дostonлар;
- b) сюжет асосига қурилган дostonлар.

Лирик кечинма асосига қурилган дostonларда, лирик тасвир асосида эпиклик сизиб, юзага чиқади [6,18]. Замонавий ўзбек адабиётида лирик дostonлар алоҳида бадиий тизимни ташкил этади. Ойбекнинг “Қалбим жароҳати”, Миртемирнинг “Сурат”, Зулфиянинг “Хотирам синиқлари”, Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, Ҳ.Шариповнинг “Тановар”, Ж.Камолнинг “Куёш чашмаси” каби асарлари лирик дostonнинг бадиий баркамол намуналаридир. Уларга хос муҳим хусусиятлар лирик тасвирнинг қабариклиги, ҳис-кечинмага бойлиги, композициясида лирика элементларининг қуюқлиги (лирик кириш, лирик чекиниш, лирик хотима)да кузатилади. Сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида мазкур анъананинг давоми ва янгилашишини И.Отамурад дostonларида ёрқин кузатиш мумкин. Хусусан, унинг “Тағазул”, “Ичкари... Ташқари...”, “Сопол синиқлари”, “Жадвал”, “Рухдан сизган нур” каби асарлари бу жиҳатдан аҳамиятли. Мазкур асарларда тасаввуфий-фалсафий оҳанглар, модерн услуб яққол кўзга ташланади. Энг асосийси, шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, инсон қалбидаги туйғу-кечинмалар, чин инсонлик йўли, озорланган, изтиробга дўнган “кангул” оҳларини бадиий ифода этади. Унинг лирик қаҳрамони ҳам, биринчи навбатда, кўнгил кишиси, улкан қалб соҳибидир.

Сюжет асосига қурилган дostonларга хос муҳим хусусиятлардан бири воқеабандликдир. Бу хусусият уни эпик турдаги асарларга яқинлаштиради. Қолаверса, XX асрда шаклланиб, такомил топган ўзбек замонавий дostonларига хос жиҳат ҳам уларнинг сюжет асосига қурилганлигидир. Ойбекнинг “Навоий ва Гули”, Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд”, Миртемирнинг “Сув қизи”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” каби асарларида юз кўрсатган сюжет, воқеабандлик жиҳати У.Кўчқор дostonларида муваффақиятли давом эттирилди. Унинг “Қувғин”, “Широқ” дostonлари бу жиҳатдан аҳамиятли.

Демак, сюжет асосига қурилган дostonларда учта муҳим хусусият кўзга ташланади:

1. Мавзу қамровининг кенглиги жиҳатидан эпик асарларга яқинлик, яъни романлашув (У.Кўчқорнинг “Широқ” ва “Қувғин” дostonлари).

2. Эртақ стилизацияси асосида ёзилган дostonлар (У.Кўчқорнинг “Чамангул”, “Турон Ботир” дostonлари).

3. Лирик дostonларда сюжет белгиларининг намоён бўлиши (И.Отамураднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Доғ”, “Ўрин” дostonлари).

Хуллас, сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида халқ дostonлари, мумтоз ва замонавий дoston анъаналари ўзаро уйғунлашган, айна пайтда, новаторона белгилар, шаклий-услубий изланишлар мужассам топганки, бу хусусиятларни муайян ижодкорлар асарлари тадқиқи мисолида ойдинлаштириш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 336 б.
2. Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 246 б.
3. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – 200 б.
4. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.
5. Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Адиб, 2012. – 304 б.
6. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярмида ўзбек поэмаси. – Тошкент, Турон замин зиё, 2014. – 176 б.

## УСЛУБ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАДРИЖИ

М.Давронова,  
ф.ф.д., СамДУ

### Аннотация

Муаллиф услуб дастлаб антик адабиётда пайдо бўлганини таъкидлаб, Аристотель биринчилардан бўлиб услубга диққат қаратгани ва уни нотиклик санъат деб тушунганини таъкидлайди. Кейинчалик Дмитрий, Коракс, Тисий, Цицерон каби олимлар томонидан соҳа ривожига ҳисса қўшилгани ва ўрта асрлар Европасидаги тараққиёти ҳамда замонавий услубшунослик вакилларининг илғор тамойиллари ҳақида маълумот берилади.

### Аннотация

В данной статье автор указывает, что стиль впервые появился в античной литературе, и Аристотель одним из первых сосредоточился на стиле и понял его как искусство ораторского искусства. Позже такие ученые, как Дмитрий, Коракс, Тисий, Цицерон внесли свой вклад в развитие данной области и развитие средневековой Европы, а также отображены передовые принципы современной стилистики.

### Annotation

In this article, the author indicates that style first appeared in ancient literature, and Aristotle was one of the first to focus on style and understood it as the art of oratory. Later, such scientists as Dmitry, Corax, Tisy, Cicero contributed to the development of this area and the development of medieval Europe, and also displayed the advanced principles of modern stylistics.

**Калит сўз ва иборалар:** нутқ, услуб, жанр, риторика, нотиклик санъати, Француз нотиклик мактаби, прага мактаби.

**Ключевые слова и выражения:** речь, стиль, жанр, риторика, ораторское искусство, французская школа ораторского искусства, пражская школа.

**Key words and expressions:** speech, style, genre, rhetoric, oratory, French school of oratory, Prague school.

Услуб ўзига хос феномендир. Услуб эрамиздан олдинги даврларда шаклланганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Styl (услуб) сўзининг асл ватани қадимги Греция бўлиб, кейинчалик қадимги Рим бу атамани (stylus) термин сифатида китобларга муҳрлади [1,366]. Услуб муаммосига биринчилардан бўлиб эътибор қаратган шахс Аристотелдир [2,350]. У ўзининг «Риторика» (грек. ῥητορικῆ) асарида бу масалага алоҳида тўхталди. Маълум маънода услуб назариясининг илк кўринишини беришга муяссар бўлади. Бироқ Аристотель услубни нотиклик санъати сифатида тушунади. Бу даврда Дмитрий томонидан “Услуб ҳақида” асари ҳам юзага келади.



# МУНДАРИЖА

## **Биринчи бўлим. ПРОФЕССОР Й.СОЛИЖОНОВНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ**

Р.Максудов, З.Раҳимов. ҲОЗИРЖАВОБ МУНАҚҚИД .....	4
У.Норматов. СЎЗ СЕҲРИНИ ҲИС ЭТИБ .....	9
Ш.Ахмедова. ОЛИМНИНГ ОЛАМИ .....	11
И.Ёқубов. АДАБИЁТШУНОС ОЛИМНИНГ КЎНГИЛ МУЛКИ .....	13
А.Сабирдинов. БЕОРОМ ИЖОД БУЛОҒИ .....	17
А.Қосимов. БАДИЙ НУТҚ ПОЭТИКАСИ БИЛИМДОНИ .....	19
У.Ҳамдам. ТАНҚИД МУНАҚҚИД БИЛАН ТИРИК .....	22
З.Раҳимов. ФАРҒОНА АДАБИЁТИГА БИР НАЗАР .....	25
З.Қобилова. ФАРҒОНА АДАБИЁТШУНОСЛАРИНИНГ УСТОЗИ .....	28
С.Қурбонова. УСТОЗ САОДАТИ .....	30
М.Дехқонова. ЙЎЛДОШАЛИ СОЛИЖОНОВНИНГ ОЙБЕКШУНОСЛИКДАГИ ҚАРАШЛАРИ .....	31

## **Иккинчи бўлим. БАДИЙ НУТҚ ВА УСЛУБ МУАММОЛАРИ**

С.Травников, Е.Петривняя, Е.Июльская. РОМАНТИЧЕСКИЙ СТИЛЬ В СОВРЕМЕННОЙ ПОЭЗИИ (НА МАТЕРИАЛЕ СТИХОТВОРЕНИЯ В.А. АГЕЕВА) .....	33
Д.Кувватова, Н.Ўроқова. ЗАМОНАВИЙ ДОСТОНЛАРДА УСЛУБ ВА ИНДИВИДУАЛЛИК .....	36
М.Давронова. УСЛУБ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАДРИЖИ .....	40
С.Матякупов. ШЕЪРИЙ МАТН ЖАНРИЙ-КОМПОЗИЦИОН ЯХЛИТЛАШУВИДА ДИАЛОГНИНГ ЎРНИ.....	44
Д.Сатимова. ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЁШЛАР СЛЕНГИ БАДИЙ УСЛУБДА ҚЎЛЛАНИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	48
Х.Ибрагимов. ТЎРА СУЛАЙМОН ИЖОДИДА ХАЛҚОНА ИФОДАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ .....	52
Ф.Турсунова. ЖУЛҚУНБОЙ ФЕЛЬЕТОНЛАРИДА МОНОЛОГИК НУТҚ КЎРИНИШЛАРИ .....	54
Н.Каримова, Н.Ходжаева. ПРОБЛЕМАТИКА ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ СТИЛИЗАЦИИ И	